



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Қашқадарё вилояти

180100, Qarshi Shahri, I.Karimov shox ko'chasi 60a-uy. Tel/Faks (375) 221-06-65, 221-10-90 E-mail:
kashdavekspertiza@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: Eshbabayev Maxmud Mustafayevich
Sana:20-07-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 49776

Ob'ekt nomi «Qashqadaryo viloyat Yakkabog' tumani Dovza qishlog'i "CHinobod" MFYdagi 26-sonli umumta'lim maktabni joriy ta'mirlash»

Buyurtmachi - Yakkabog' tuman xalq ta'limi bo'limi
Bosh loyihachi - OOO "SPECIAL DESIGN PROJECT"
Litsenziya AL-001911 30 09 2021
Moliyalashtirish manbai - Mahalliy budget
Bosh pudratchi - Tanlov asosida
Qurilish turi Joriy ta'mirlash
Murojaat raqami: № 47259

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Yakkabog' tuman xalq ta'limi bo'limining 2022yil 18 iyundagi 342-sonli xati.
- 1.2. Yakkabog' tuman xalq ta'limi bo'limi mudiri U.Nurmatov tomonidan tasdiqlangan "Nuqson dalolatnomasi"

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Yakkabog' tuman xalq ta'limi bo'limi mudiri U.Nurmatov tomonidan tasdiqlangan "Nuqson dalolatnomasi"

Ob'ektning joriy narxlardagi umumiy smeta qiymati.

- Joriy narxlarda talab qilinadigan resurslar qiymati
- Fizik ish hajmlari ro'yxati (5-shakl)

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- 3.1. *Ta'mirlash ishlari nuqson dalolatnomasiga asosan bajariladi.*

Asosiy texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlar.

Ob'ektning QQS bilan

buyurtmachini xarajatisiz smeta qiymati	- 5 184,750 ming. so'm
Qurilish ishchilarining mehnat xarajati	- 122,390 kishi. soati

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Smeta qismi bo'yicha:

Mutaxassis tasdiqlangan ishchi loyihaning smeta hujjatlarini ko'rib chiqdi. Xarajatlar darajasi tekshirildi: ish xaqi, mashina va mexanizmlarning ishlashi, asosiy qurilish materiallari ShNK 4.02.00-05 normalariga muvofiq. "Uslubiy tavsiyalar" va ShNK 4.01.16-09 asosida amalga oshirilgan ob'ekt narxi amaldagi narxlarda aniqlash xisob kitobi asosida ko'rib chiqildi. Quruvchi-ishchilarning o'rtacha soatlik ish haqi ijtimoiy sug'urtani hisobga olgan holda 20 538,48 so'mni tashkil etadi, sug'urta 12%, pudratchining boshqa harajatlari 19,54% qabul qilindi. Qurilish materiallari va konstruksiyalarining narxlari "O'zbekiston Respublikasining qurilish sanoatida foydalanadigan moddiy-texnika resurslari uchun 2022 yil 1-chorakdagi amaldagi narxlar katalogi" bo'yicha mintaqadagi o'rtacha me'yorlarni hisobga olgan holda tekshirildi.

Buyurtmachi tomonidan amaldagi narxlarda e'lon qilingan ob'ekt qurilishining taxminiy qiymati **5 184,750** ming so'm miqdorida taqdim etilgan smeta qiymatidan **111,200** ming so'mga kamaytirilib, **5 073,550** ming so'm qilib belgilandi. Smeta qiymatini kamayishiga sabab Pudratchining boshqa harajatlari 22,16% dan 19,54% ga o'zgartirildi.

Yakuniy narx buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilishni tugagandan so'ng, nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

Buyurtmachi smeta hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

7. Xulosalar.

7.1 " **Qashqadaryo viloyat Yakkabog' tumani Dovza qishlog'i "CHinobod" MFYdagi 26-sonli umumta'lim maktabni joriy ta'mirlash**" loyiha-smeta hujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqilib, quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatgichlar bilan kelishishga tavsiya etiladi.

Ob'ektning QQS bilan

buyurtmachini xarajatisiz smeta qiymati - **5 073,550** ming. so'm

Qurilish ishchilarining mehnat xarajati - 122,390 kishi. soati

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021yil 17 sentabrdagi 579-sonli qarorining 1-ilova, 3-bob, 29-bandiga asosan, "Ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik hujjatlarining sifati, dastlabki ma'lumotlarning haqqoniyligi va qabul qilingan loyiha yechimlariga buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti javobgardir".

7.3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 11 iyundagi 261-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Ob'ektlarni qurish qiymatini shartnomaviy joriy narxlarda belgilash tartibi to'g'risidagi vaqtinchalik nizom" va Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 26 apreldagi 243-sonli qaroriga ko'ra, ob'ektning tavsiya qilinayotgan boshlang'ich qiymati tanlov savdolarini o'tkazish uchun mo'ljallangan va shartnoma tuzish uchun asos bo'lmaydi.

Bosh mutaxassis: Radjabov Umidjon Murodullayevich

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Яккабоғ туман Халқ таълими бўлими
мудирининг _____ У. Нурматов

_____ 2022 йил



**Яккабоғ туман Халқ таълими бўлимига
қарашли мактабларнинг 2022 йил
Жорий таъмирлаш ишлари юзасидан
энг яхши таклифларни танлаш бўйича
танлов иштирокчисини танлаб олиш
ҳужжатлари**

Яккабоғ -2022 й

Яккабоғ тумани Халк таълими булига карашли мактабларнинг
2022 йил июль ойи жорий таъмирлаш ишлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофик) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Яккабоғ туман Халк таълими булими (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Яккабоғ тумани халк таълими булимига карашли ----- 26-----мактабни жорий таъмири ишлари
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш,хизматни тугаллаш) шarti:	5093550 ----- (Беш семестр оғини ўқитиш Беш 14) Алик -----) сўм Шундан КҚС: 661767 сум (26ти 14) оғини ўқитиш ----- 762) ----- сум (26ти 14) МФЙ) м. Таъмирлаш ишларини бajarиш 30 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Бюджет маблағлари хисобидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоз микдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, колган 70 фози тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Яккабоғ тумани Халк таълими булими
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Чориев Дилмурод тел: 912162474 Т.Тиловов тел :916191705 Яккабоғ тумани А.Темур 7-уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шarti:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувоҳнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишни таъминлайдиган малака ҳужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган зақалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги –Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган махсус техникалари тўғрисида маълумотлар,- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик ш тажрибасига оид ҳужжатлар,-Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш,-Танлов иштирокчисини салоҳиятини белгиловчи ҳужжатлар, -Танлов иштирокчисини иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар.(Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирадилар)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт.Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт.Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади.Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт.Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йилги жамоатчилк фикри асосида шаклланган, "Очик бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномалари

**МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ
Р Ў Й Х А Т И**

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид килиш ҳужжатларига 5-илова)
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳр билан тасдиқланган нусхаси
3	Закалад киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаснинг нусхаси ёки банк қафолатининг асл нусхаси (харид килиш ҳужжатларига мувофиқ талаб килинганда)
4	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хатлар (харид килиш ҳужжатларига 6-илова)
5	Молиявий ҳисоботлар (ташки аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул килинганлиги тасдиқланган ҳолда)
6	Ишчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси)
7	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
8	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (хард килиш ҳужжатларига 14-илова)

ИЗОҲ: Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.


Яккабоғ тумани Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йилги шаклланган, "ОЧИҚ БЮДЖЕТ ҳисобидан" Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида шаклланган сметага асосан пудрат ишлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштирилган эълон талабномалари
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	15	<ol style="list-style-type: none"> 1. Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. 2. СТИР рақамлари. 3. Статистик маълумотлар. 4. Тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат 5. Ҳисоб рақамидagi қоллиги. 6. Солиқ, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар 7. 1 маротабадан ортиқ ташланган ҳужжатлар инобатга олинмайди. 8. Смета харажатларининг 3 % и пудратчи томонидан коплаб бериш тўғрисида ташкилот раҳбари номига ёзилган кафолат хати <u>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади) 6. Қорхона ёки раҳбарнинг телефон рақами бўлиши шарт</u>
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги	30	<ol style="list-style-type: none"> 1. (Танлашда иштирок этиш учун танлов комиссияси раиси номига ёзилган ариза ва кофолат хати 2. танлаш предмети бўйича таклиф, молиявий ҳисоботлар, 3. иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатарида эмаслиги, 4. буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, 5. кафолат хати, 6. харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция қўриқчиларга йўл қўймаслик бўйича ариза) кафолат хати <u>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</u>
3	Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закатат ёки банк кафолатининг мавжудлиги	30	<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши тўғрисида кафолат хати асословчи танлов предмети бўйича тегишли банк муассасасидан кафолат хат тақдим этилиши лозим. 2. Шунингдек талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предметининг камида 20% миқдорда маблағлар қоллиги бўлиши банк обороткасида ёки банк тасдиқлаган маълумотнома бўлиш шарт . 3. Катнашувчи талабгорнинг Солиқдан ёки аудитдан 3 йиллик ҳулосаси ёки текширув утганлик далолатномаси. 4. Солиқлар ва йиғимлар тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги бўйича Давлат Солиқ инспекциясидан тасдиқланган маълумотнома 5. Қурилиш ва бошқа бажариладиган ишлар бўйича лепинзия олганлиги тўғрисида маълумот <u>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</u>
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар ва бошқа ҳужжатлар	25	<ol style="list-style-type: none"> 1. Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича қисман далолатномалари ва бажарилган ишлар Ф2 Шунингдек аввалги шартномалар бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар 2. Жорий танлаш объектини жойда ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (Мақта маъмуриятдан маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланган бўлиш шарт) 3. Ходимлар сон ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар 4. <u>Танлов иштирокчиси билан суд ёки арбитраж кирмаганлик тўғрисида юқори танқидотдан тасдиқланган ҳужжатлари</u> <u>(Агар юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса балл комиссия томонидан камайтирилади)</u>
ЖАМИ:		100	

Изоҳ: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабенитлари орқали 2 иш кунида электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлар мумкин. Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилар томонидан ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Смета харажатлари "Пудратчи" томонидан шартноманинг 30% и ўтганидан сўнг тўғридан-тўғри **ООО "SPECIAL DESIGN PROJECT"** қорхонаси ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслиги тўғрисида огоҳлантирамыз.

Комиссия аъзолари

Яккабоғ Халқ таълими бўлими
в/б бош ҳисобчиси:
комиссия аъзоси

 Н. Жумаев


Яккабоғ туман Халқ таълими
бўлими иқтисод бўлими бошлиғи,
комиссия аъзоси

 А.Хужабердиев


Яккабоғ туман Халқ таълими
бўлими, қасаба уюшма раиси,
комиссия аъзоси

 С.Суюнов

Яккабоғ туман Халқ таълими
эксплуатация бўлими
Мутахассиз назоратчи;

 Т.Тилов

Яккабоғ туман Халқ таълими
бўлими, моддий қийматлар бўйича
мутахассиси, комиссия аъзоси

 Т.Ёдгоров

Яккабоғ туман Халқ таълими
бўлими, "Давлат харидлари ва
шартномалар билан ишлаш"
бўлими бошлиғи, котиб

 Д.Чориев